



ТАКОМИЛАШТИРИЛГАН СЧХ-4А СЕЯЛКАСИ БИЛАН ЭКИЛГАН ЧИГИТ УНУВЧАНЛИГИ

И.С. Атаханов

Ўқитувчи, (Урганч давлат университети)

М.Р. Исмоилов

Стажёр-ўқитувчи (Урганч давлат университети)

Аннотация: Ўтказилган тажрибада чигит суюқ органик ўғит билан экилганда чигитнинг дала унувчанлиги ғўза навининг биологик хусусияти ва об-ҳаво шароитига боғлиқ ҳолда турли кўрсаткичларни намоён қилган. Дала шароитида чигит унувчанлигини аниқлаш бўйича ўтказилган биринчи кузатувда назорат вариантида унувчанлик даражаси 40,1% ни ташкил этган бўлса, суюқ органик ўғит билан экилган вариантларда бу кўрсаткич 48,2% эканлиги кузатилган. Таъкидлаш лозимки, биринчи кузатувдаёқ суюқ органик ўғит билан экилган вариантларда унувчанлик кўрсаткичи назорат вариантига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди.

Калит сўзлар: Чигит, органик ўғит, агротехника, гумус, бункер.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига экинларни экиш агротадбирларини такомиллаштириш, кам маблағ ва ресурслар сарфлаб, минерал ўғитларни кам ёки умуман қўлламасдан экологик соғ маҳсулот етиштириш технологияларини ишлаб чиқиши, юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, юксак самарали замонавий инновацион технологияларни амалиётга кенг жорий этиш, иқтисодий самарадорликни ошириш, иқтисодиётни тараққий топтириш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади

Маълумки, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосил салмоғини белгилайдиган муҳим омиллардан бири тупроқ унумдорлиги ва ўсимликнинг кўчат қалинлиги ҳисобланади. Ўсимлик уруғи қанчалик юқори сифатли, унувчан бўлмасин, экилгандан кейин унинг тўлиқ униб чиқиши тупроқ муҳитига боғлиқ бўлади. Ҳар йили экиладиган ғўза, донли ўсимликлар, мева, сабзавот ва полиз экинларини етиштириш натижасида тупроқ унумдорлик даражаси пасайиши кузатилмоқда. Тупроқ унумдорлиги қанчалик яхши, сув ва иссиқлик режими меъёрида бўлса, экилган уруғнинг ўз вақтида униб чиқиши ва соғлом ниҳол олиннишини деҳқончилик фани аллақачон исботлаб берган.

Республикамиз пахта етиштирувчи давлатлар орасида энг шимолда жойлашганлиги сабабли, чигитни эртаги, соғлом ва бехато ундириб олиш, ғўзанинг баравж ўсиш-ривожланишига қулай шароит яратиш, юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда бир қанча муаммоларга дуч келинади. Ушбу муаммоларни бартараф этишда мамлакатимиз олимлари томонидан ресурстежамкор инновацион агротехник тадбирлар ишлаб чиқилмоқда ва такомиллаштирилиб





борилмоқда. Шулардан бири биогаз қурилмасидан чиқаётган суюқ органик ўғит билан чигитни экиш усули бўлиб, эртаги, мўл ва сифатли пахта ҳосили этиштиришда муҳим агротехник тадбирлардан ҳисобланади.

Чигитни униб чиқиш даврида тупроқ таркибидаги гумуснинг етарли даражада бўлмаслиги ва тупроқ юза қисмида зичланган қатлам ҳосил бўлиши туфайли чигитнинг бир хил ва бир текис униб чиқмаслиги ҳисобига агротехник талабнинг бузилиши ва ҳосилдорликнинг нисбатан пасайишига олиб келади.

Ушбу муаммони ҳал қилиш қилиш учун ҳудуднинг табиий тупроқ иқлим шароитидан келиб чиқсан ҳолда чигитни экиш билан бирга унга суюқ органик ўғит солиш ишларни амалга ошириш орқали чигитни бир хил униб чиқишини таъминлаш ҳисобига ҳосилдорликни оширишдан иборат.

Кўйилган масала чигит экиш сеялкасига ўрнатишга мослашган суюқ органик ўғит солиш бункери ҳамда ушбу бункердан ўғитни миқдорлагичлар орқали чигитни экиш сошнигига узатадиган ўтказгичлардан иборат бўлган ишчи органли қурилма орқали ҳал қилинади (1 расм).



1-расм.

Такомиллаштирилган суюқ органик ўғит билан бирга чигит экадиган қурилма.

Тадқиқотлар “ТИҚҲММИ” миллий тадқиқот университети Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти ўқув тажриба хўжалиги далаларида ўтказилиб тажриба вариантлари 4 қаторли, ғўза қатор ораси 60 см, вариантлар эни 2,4 м, бўйи 100 м, тажриба майдони 720 м^2 ни ташкил қилиб, 3 қайтариқда, жойлаштирилди. Тажрибада ғўзанинг Бухоро 6 нави экилди. Тажриба даласидаги агротехник тадбирлар хўжаликда қабул қилинган агротехника қоидалари асосида ўтказилди [1,2,3].

Ўтказилган тажрибада чигит суюқ органик ўғит билан экилганда чигитнинг дала унувчанилиги ғўза навининг биологик хусусияти ва об-ҳаво шароитига боғлиқ ҳолда турли қўрсаткичларни намоён қилган. Дала шароитида чигит унувчанигини аниқлаш бўйича ўтказилган биринчи кузатувда назорат вариантида унувчанилик даражаси 40,1% ни ташкил этган бўлса, суюқ органик ўғит билан экилган вариантларда бу қўрсаткич 48,2% эканлиги кузатилган. Таъкидлаш лозимки, биринчи кузатувдаёқ суюқ органик ўғит билан экилган





вариантларда унувчанлик кўрсаткичи назорат вариантига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди. Шунинг билан бирга суюқ органик ўғит билан экилган вариантларда чигит унувчанлиги бўйича юқори кўрсаткичлар кейинги муддатларда ўтказилган кузатувларда (15-21.04) ҳам аниқланди

(1-жадвал).

Суюқ органик ўғитни чигит унувчанлигига таъсири, Бухоро -6 нави

№	Тажриба вариантлари	Чигитнинг дала унувчанлиги, %					Назорат фарқи, %
		1-кузатув 1516.04	2-кузатув 1617.04	3-кузатув 1819.04	4-кузатув 2021.04	5- кузатув 2223.04	
1	Назорат	40.1	61,0	67,5	72,7	80,8	-
2	Суюқ органик ўғит	48.2	70,8	79,8	90,1	98,9	18 .1

Охирги муддатда 22-23 апрел кунлари ўтказилган кузатувда чигитнинг униб чиқиши даражаси назоратда 80,8% бўлса, суюқ органик ўғит билан экилган вариантларда 98,9% ни ташкил этган ҳолда назорат вариантига нисбатан 18,1% юқори бўлгани қайд этилди.

Шундай қилиб, суюқ органик ўғит қўлланилганда чигит экиш чуқурлигидаги тупроқ ҳарорати $0,2-0,5^{\circ}\text{C}$ га, тупроқ намлиги 1,0-1,5 %га ортиб, ниҳоллар тўлиқ униб чиқишига эришилади ва пахта ҳосилдорлиги ошиши ҳамда тупроқ унумдорлиги яхшиланади [4].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПИТИ. Т.: 2007. 147 б.
2. С.Х.Йўлдошев и др. Факторы повышения урожайности хлопчатника. Изд-во. Фан. Ташкент. 1982. 171 с.
3. Методика полевых опытов с хлопчатником. Издание 5-е., допол.-Т, 1981, 246-с.
4. Ergashov Z.J; Saidova G. K..2021 Influence of organic fertilizer (biofertilizer) obtained as a result of anaerobic processing on soil fertility and germination of cotton sprouts. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. <https://saarj.com>. DOI: 10.5958/2249-7137.2021.02010.3

